

Болажонларга мактуб (11)

05:00 / 15.02.2017 2753

ЎН БИРИНЧИ САБОҚ

РЎЗА, ЗАКОТ, ҲАЖ ҲАҚИДА

Ассалому алайкум, эркатойларим, қўзичоқларим!

Чин мусулмон бўлишимиз учун нима қилишимиз керак? Ийи, ийи дарров эсдан чиқариб қўйдингизми? Эсладингизми, ҳа яшанг! Бунинг учун аввало иймонли бўлиш, кейин яна намоз ўқиш керак экан. Буни ҳеч эсдан чиқарманг, хўпми?

Бугунги машғулотида Ислом динининг қолган учта устуни — рўза, закот, ҳаж нима эканини тушунтириб бераман. Аввал рўзадан бошлаймиз.

Рўза — рамазон ойида 30 кун эрта тонгдан шом бўлгунча овқат емаслик, ичимлик ичмаслик, кейин катталарга тааллуқли айрим ишларни қилмаслик керак, дегани. Рамазон ойи ойлар ичида энг улуғи, табарруги. Шунинг учун Аллоҳ таоло шу ойда бандаларига (яъни сиз билан бизга ўхшаган барча одамларга) рўза тутишни буюрган. Шундоқ улуғ Подшоҳимиз ана шундай улуғ ойда рўза тутишни буюрган бўлса, бизлар нима қиламиз? Жон-жон деб бажарамиз, тўғрими асал-қандларим?! Сизлар ҳам ота-оналарингизга қўшилиб рўза тутишни ўрганиб турсангиз, Аллоҳ таолога жудаям ёқиб қолардингиз-да!

Шуни ёдингизда сақлангки, Рамазон ойида жуда одобли бола бўлиб юрилади. Ёлғон гапирилмайди, уришиб-сўкишилмайди, катталарни хафа қилинмайди. Бу ёмон ишларни бошқа вақтда ҳам қилиш яхши эмас. Аммо Рамазон ойида қилсангиз жуда уят бўлади. Бу ойда рўза тутишдан ташқари, Қуръони каримни ўқишни ўргана бошласангиз, сураларни жуда тез ва чиройли ёдлайдиган бўласиз. Кечқурунлари «Тарових» намозлари ўқилади. Масжидларга бориб, ана шу намозда кучингиз етганича қатнашсангиз, Пайғамбаримизни севинтирган бўласиз.

Ислом динининг тўртинчи устуни «Закот» дейилади. Пули кўп, бой одамлар бойликларининг қирқдан бир бўлагини камбағал, яшашда қийналиб қолган қариндошларига ёки қўшинларга бериб, уларни хурсанд қилиши закот бўлади. Чунки Аллоҳ таоло шунга буюрган. Аллоҳ буюрган экан, демак, ҳамма қулоқ қоқмай бажариши керак, тўғрими?

Аллоҳ таоло бой одамларни бекорга закот беришга буюрмаган. Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг. Сизларникида овқат, кийим жуда кўп. Дадангизнинг пуллари ҳам кўп. Хоҳласалар сизга бир эмас, иккита велосипед олиб

беришлари мумкин. Лекин холангизникида ёки қўшни амакиникида кўпинча овқатларига гўшт ҳам солинмайди. Уларнинг болалари мактабга йиртиқ поябзалда келади. Ҳатто дафтар ручка сотиб ҳам ололмайди. Шундоқ бўлгач, дадангиз ўша қийналиб қолган қариндош ёки қўшнига ёрдам берсалар, улар ҳам хурсанд бўлишадими? Болалари севиниб кетадими? Бунга сиз ҳам қувонасизми? Аллоҳ таоло закот беришни буюриб, адолатли иш қилибдими? Ана кўрдингизми Аллоҳ таоло қанақанги одил, меҳрибон зот экан!

Динимизнинг охирги бешинчи устунни — «Ҳаж» дейилади. Ҳаж — йўлқирага пул топган, уйда ҳамма зарур нарсаси этарли ёши катта амакиларингизнинг Арабистондаги Макка шаҳарига бориб, ўша ердаги Ҳарам деган россяям катта масжиднинг ўртасидаги Аллоҳнинг уйи — Каъбани етти марта тавоф — зиёрат қилишларидир.

Улар Арофат деган тоққа чиқиб, гуноҳларини кечиришни сўраб Аллоҳга ёлворадилар, дуо қиладилар. Кейин Сафо ва Марва деган икки тоғ орасида эттжъмарта уёқдан-буёққа бориб келишади. Замзам булоғидан шифобахш сув ичишади. Шайтонга тош одшади. Шу амалларни бажариб, гуноҳларидан халос бўлиб қайтишади. Ҳаж қилган амакилар «Ҳожи» деб аталадиган бўлади. Ҳаж қилшни ҳам Аллоҳ таоло имконияти бор ҳамма одамларга буюрган. Шундай қилиб, менинг жажжи ширинтойларим, Ислом динимизнинг бешта устунини ҳам билиб олдик. Улар қайсилар экан? Ҳа, баракалло! Иймон, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш, ҳаж қилиш динимизнинг устунлари, арконлари экан. Булар асло эсингиздан чиқиб қолмасин, хўпми, қўзичоқларим?! Кейинги машғулотларда сизларга мусулмон болаларнинг қандай бўлишлари кераклиги тўғрисида гапириб бераман. Маъқулми?!